

ҒАРИБЛИК

Category: Goşgular, Kitapcy
написано kitapcy | 22 января, 2025
ҒАРИБЛИК

■ Камина (1770-1840)

Туркман мумтоз адабиёти вакилларида бири Муҳаммадвали “Камина” (Kemine) тахаллусли шоирнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. У тахминан 1770 йиллар атрофида Туркменистоннинг ҳозирги Сарақт туманида камбағал оиласида дунёга келган. Муҳаммадвали бошланғич маълумотни ўз қишлоқ мактабида олиб, сўнг Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсилини давом эттирган. У туркман мумтоз адабиётида асосан ўткир сатирик шоир сифатида ном чиқариш билан бирга, ўйноқи, лирик шеърлар муаллифи, маърифатпарвар шоир ҳамдир.

■ ҒАРИБЛИК

Кунда минг қайғу ва юз алам билан,
Бори дардимдан ҳам бадтар ғариблик.
Сарғайиб минг сўлдим қайғу-ғам билан,
Келар қийнаб, қатор-қатор ғариблик.

Бу фонийнинг беағи бор, харжи бор,
Юрагимда модда, жонда ожибор.
Ваъдасиз ўлимга не иложи бор?
Йилдан-йилга жондан ўтар ғариблик.

Емасам, ичмасам, куним ҳам ўтмас,
Ёстаниб ётмоққа мадорим етмас,
Ҳар кун минг ҳайдасам, бой томон кетмас,
Қўш босиб, кулбамда ётар ғариблик.

Қаратибдир менга пайкон-ўқини,
Белин маҳкам боғлаб, қилар дўқини,
Қўлга олиб сопи билан сўқини*,
Чарчаш билмай, бошдан урар ғариблик.

Ғам-ғусса йил-йилдан жисмимни ёқар,
Ахир ғарибларга ким кулиб боқар?
Югурсам, етдирмас, курашсам – йиқар,
Баҳслашсам, бир зумда ютар ғариблик.

Сайр этмадим саҳроларда, чўлларда,
Кезолмадим яйраб гўзал элларда,
Булбулман-у сайролмадим гулларда,
Бошимга минг ғазаб қотар ғариблик.

Камина дер, келар бир кун шум ўлим,
Кимларга – тўй, кимлар учун бу – зулм.
Дош бер азобларга, сабр айла, кўнглим,
Келибдир, лек бир кун ўтар ғариблик.

*Сопи -сўқи-(шева), ўғирдаста-кели.

Туркманчадан Қурбон Муҳаммадризо таржимаси.

Goşgular